

УДК:32 С(С52)

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Салимов Бахтиёр Таджиевич, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, и.ф.д.  
Салимов Шерзод Бахтиёрович, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, и.ф.ф.д. (PhD)

### СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ЦЕЛИ И РАЗРАБОТКА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

Салимов Бахтиёр Таджиевич, профессор Ташкентского государственного экономического университета, кандидат экономических наук

Салимов Шерзод Бахтиёрович, Ташкентский государственный экономический университет, и.ф.ф.д. (кандидат наук)

### STRATEGIC OBJECTIVES AND DEVELOPMENT OF NEW UZBEKISTAN

Salimov Bakhtiyor Tadjievich, Professor of the Tashkent State University of Economics, Candidate of Economic Sciences.

Salimov Sherzod Bakhtiyorovich, Tashkent State University of Economics, Ph.D.

**Аннотация.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти ПФ-60-сонли фармонига кўра тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси дастурининг мазмун – моҳияти, 7 та устувор йўналишларни ривожлантириш билан боғлиқ 100 та аниқ мақсадлар ва бу мақсадларга эришиш механизмлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** дастур, устувор йўналиш, тараққиёт стратегияси, мақсад, инсон капитали, тамойиллар, Конун – устувор, кишлоп хўжалиги, ривожланиш, ер ва сув ресурслари, таълим, тиббий соҳа.

**Аннотация.** В статье освещаются роль и значение Программы развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы, развитие 7 приоритетных направлений на основе 100 конкретных целей и механизмы достижение этих целей, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № 60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы»

**Ключевые слова:** программа, приоритетное направление, стратегия развития, цель, человеческий капитал, принципы, право-приоритет, сельское хозяйство, развитие, земельные и водные ресурсы, образование, медицинская сфера.

**Abstract.** The article highlights the role and significance of the Development Program of New Uzbekistan for 2022-2026, the development of 7 priority areas based on 100 specific goals and the mechanisms for achieving these goals, approved by Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 No. 60 “On the development strategy of New Uzbekistan for 2022 – 2026”

**Key words:** program, prioritization, development strategy, goal, human capital, principle, legal priority, agriculture, development, land and water resources, education, medical field.

#### 1. КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуклари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқук ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас [1].

Ҳар қандай ҳаракат ва ривожланиш мақсадсиз бўлса, бундай ҳаракат ҳам, ривожланиш ҳам мазмунга эга бўлмайди. Мақсаднинг аниқ қўйилиши унга эришишдаги ҳаракатлар, чора-тадбирларни аниқ ва

мантиқий кетма-кетлиқда амалга оширишни таъминлади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқариша бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади. Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга

ошириш тартиби конун билан белгиланади [7].

Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонига кўра тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси дастури жами 7 та устувор йўналиш ва 100 та аниқ мақсадни ўз ичига олган ва бу мақсадларга эришиш механизмлари ҳам дастурда аниқ кўрсатилган.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси дастуридаги йўналишлар ва стратегик ривожланиш мақсадлари:

инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш йўналиши бўйича 12 та мақсад;

мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш - 8 та мақсад;

миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш 16 та мақсад;

адолатли ижтимоий сиёsat юритиш, инсон капиталини ривожлантириш 34 та мақсад;

маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш 8 та мақсад;

миллий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш 10 та мақсад;

мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ прагматик ва фаол ташқи сиёsat олиб бориш 12 та мақсад [2].

## **2. МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

О.О.Смирнова ишида Россия Федерациясида стратегик режалаштиришнинг концептуал асослари, давлатни стратегик ривожлантириш тизимида тармоқ ва худудий режалаштиришнинг назарий ва амалий томонлари ўрганилган [3]. Академик В.Г.Вондура таҳрири остида ёзилган монографияда [4] Россия Федерациясининг иқти-

содий комплексини барқарор ривожлантиришни стратегик режалаштириш, иқтисодий комплексни ривожлантириш муаммолари ва хавфлар, уларни бартараф қилиш чоратадабирлари ўрганилган. А.М.Садыковнинг ишида Ўзбекистоннинг янги ривожланиш стратегиясини шакллантиришда устувор вазифаларни аниқлаш, стратегик мақсадларни белгилаш ва уни амалга ошириш масалаларига эътибор берилган [5].

## **3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Мақолани ёзишда Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонига кўра тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси дастуридан, маҳаллий ва хорижий олимларнинг ишларидан фойдаланилди.

Тараққиёт стратегиясининг марказида инсонни улуғлаш, инсон капиталини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ётади. Ҳақиқатан ҳам, иқтисодиётнинг ривожланиши, пировардда аҳолининг турмуш фаровонлиги ошишига олиб келиши билан баҳоланади.

Турмуш фаровонлигининг ошиши бу товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни ошиши, уларнинг истеъмолини ошиши, таълим ва тиббиёт сифати ошиши билан белгиланади. Аҳолининг турмуш фаровонлигини билдирувчи агрегат кўрсаткичлардан бири ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳисобланади. ЯИМнинг ўсиш суръати аҳолининг ўсиш суръатидан қанча юқори бўлса, аҳолининг турмуш даражаси ҳам шунча юқори бўлади. Иккинчи йирик кўрсаткич – аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, бу кўрсаткичнинг ўсиши ҳам аҳолининг турмуш даражаси ошишига олиб келади. Яна бир муҳим кўрсаткич аҳолининг реал даромадлари ортишидир [6].

## **4. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР**

Тараққиёт стратегиясида келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ЯИМни 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш масаласининг қўйилиши тараққиёт дастурининг инсонга, мамла-

катимиз ахолисининг фаровонлигини оширишга қаратилганлигини яққол билдиради ва бу келажақда оиласларнинг бюджетини ошишига олиб келади. Аҳоли даромадининг ортиши унинг билим олиш, айниқса, ёшларнинг билим олиши, маънавий ўсиши, спорт билан шуғулланиши ва бошқа имкониятларини кенгайтиради, пировардида эса инсон капиталининг ривожланишига замин яратади [9].

Тараққиёт дастурида мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ва хуқуқий ривожланиши Президентимиз томонидан белгилаб берилган муҳим тамойилларга асосланган. Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўша даврга мос бўлган давлатни бошқариш тузукларини (тамойилларини) ишлаб чиқсан ва тузукларга асосланиб катта давлат қурган, бошқарган, илм-фан, иктисодиёт ва маданиятни ривожлантирган. Президент томонидан белгилаб берилган тамойиллар (тузулар) ҳам давлатчиликни, ижтимоий-иктисодий соҳаларни янги юқори поғонага кўтаришга олиб келишини дастурда қўйилган стратегик ривожланиш мақсадларидан аниқ кўриш мумкин. Тараққиёт дастури муҳим тамойилларга асосланади, булар:

*ҳудудлардаги ижтимоий-иктисодий муаммоларни жойида ҳал қилиши тамоили.* Ҳақиқатан ҳам, муаммо туғилган жойни ўзида уни ҳал қилиш бўйича қабул қилинган қарор самарали ҳисобланади. У тезкор бўлади, харажатларни камайтиради, фуқароларнинг сарсонгарчилигининг олди олинади. Бунга мисол сифатида Президентнинг 2018 йилда Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида туман ҳокимият органларининг ваколатларини кенгайтиришини келтириш мумкин. Илгари ҳамма тадбиркорлар ўз бизнесини очишга рухсат олиш учун Тошкент шаҳрида жойлашган Вазирлик ва идораларга бир неча бор қатнашига тўғри келар эди, бу ортиқча харажатлар ва сарсонгарчиликларга сабаб бўларди. Ҳозирги кунда тадбиркорлар ўз бизнесини очишни туман ҳокимлигига ортиқча харажатларсиз ва сарсонгарчиликсиз ҳал қилмоқда.

*Давлат бошқаруви органлари фаолиятини “фуқароларга хизмат қилишига йўналтириши”, тамоили.* “Биз ҳалқимизни рози

қилишимиз керак, ҳалқимиз биздан рози бўлиши керак, давлат ҳалқимизнинг муаммоларини ҳал этишга хизмат қилиши керак”, – деб Президент ўзларининг чиқишиларида бир неча бор таъкидлаб ўтган. Ҳозирги кунда ҳалқ қабулхоналари юзлаб, минглаб аҳоли ва бизнес вакиллари муаммолари ҳал қилиб келинмоқда. Муаммоларнинг ҳал қилиниши - ривожланиш дегани. Аҳоли муаммоларининг ҳал қилиниши аҳолининг турмуш фаровонлиги ошишига олиб келса, бизнес муаммоларининг ҳал қилиниши эса иктисодий ривожланишига олиб келади.

*“Қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамоили.* Бу тамоил аҳоли хуқуқи, бизнес хуқуқи ва бозор иктисодиётининг ривожланишини таъминловчи хусусий мулкни ишончли муҳофаза қилишга қаратилган. Оиласларнинг тинч-тотув турмуш кечириши, оила аъзоларининг ишга, болаларнинг боғча, мактаб ва олийгоҳларга хотиржам бориб келиши бебаҳо неъмат бўлиб, шу тамоилга асосланади.

Миллий иктисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишга 16 та стратегик мақсад белгиланган. Бу соҳа мақсадлар сони бўйича иккинчи ўринда туради. Ушбу мақсадларда устувор соҳаларнинг ривожланишига катта эътибор берилган. Иктисодиётда устувор соҳанинг ривожланиши бошқа кўп соҳаларнинг ривожланишига олиб келади.

*Биринчи устувор соҳа* электр энергияси соҳаси ҳисобланади. Маълумки, электр энергиясиз ҳеч қайси соҳа ривожлана олмайди. Ижтимоий ва иктисодий соҳаларнинг ривожланишини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш масаласига дастурда алоҳида эътибор берилган. Бу соҳадаги айрим стратегик мақсадларга тўхталадиган бўлсак, улар қўйидагилардан иборат: 2026 йилга келиб, электр энергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичини қўшимча 30 миллиард кВт соатга ошириб, жами 100 миллиард кВт соатга етказиш, қайта тикланувчи энергия манбалари улушкини 25 фоизга етказиш, “Яшил иктисодиёт” технологияларини барча соҳаларга жорий этиш орқали иктисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга

ошириш. Бу аниқ мақсадлар ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда қўйилган стратегик ривожланиш масалаларини ечишни таъминлайди деб айтишимиз мумкин.

*Иккинчи устувор соҳа қишлоқ хўжалиги хисобланади. Собиқ иттифоқ даврида 90 фоиз саноат корхоналари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланарди. Ҳозирги вақтда ҳам юзлаб озиқ-овқат саноати корхоналари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш орқали фаолият юритмоқда. Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда, унинг экспорт салоҳиятини оширишда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. 2021 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик чорва молларининг мамлакатимиз жами экспортидаги улуши 8,3 фоизни ташкил этган. Дастурда агросаноат корхоналарини хомашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш, 464 минг гектар майдонни ўзлаштириш ва кластерга ажратиш, 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ва аҳолига очиқ танлов асосида узок муддатли ижарага бериш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни икки баравар кўпайтириш эвазига экспортни 1 миллиард АҚШ долларига ошириш каби стратегик мақсадлар қўйилган. Бу стратегик мақсадлар келгусида ўсиб бораётган аҳолининг эҳтиёжини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, ривожланиб бораётган қайта ишлаш саноатини хомашё билан узлуксиз таъминлаш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга олиб келади деб айтиш ўринлидир.*

*Яна бир устувор соҳа – саноатни ривожлантириши. Саноатнинг ривожланиши мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади. Саноатнинг ривожланиши қишлоқ хўжалигини, озиқ-овқат саноати, енгил саноат, қолаверса, қолган барча тармоқ ва соҳаларнинг ривожланишига туртки беради, аҳолини иш билан таъминлайди ва даромадини оширади. Саноатнинг янги технология ва инновациялар*

асосида ривожланиши унда банд бўлган ишчиларнинг техник билим савијасини оширади ва бу саноат тармоқларининг янада юксалишига замин яратади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши маълум дараҷада ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги билан белгиланади ва бу қишлоқ хўжалиги ривожланишини интенсив йўлга ўтишини, унинг саноат асосига қўйилишини тақозо қиласи. Хизматлар соҳаси ривожланиши эса кўп ҳолларда аҳоли даромадларининг ортишига асосланади. Саноатнинг ривожланишида бундай чекловлар йўқ деса бўлади. Дастурда саноатнинг ривожланишига катта эътибор берилган ва унинг ривожланиши бўйича аниқ вазифалар белгиланган. 2026 йилга келиб саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш стратегик мақсад қилиб қўйилган. Дастурда саноат тармоқларининг ривожланишини белгиловчи аниқ вазифалар ўз аксини топган. Хусусан, мис маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини икки бараварга кўпайтириш, 8 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун асос яратиш, кимё саноатида 2 миллиард АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқариш, автомобиль ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга, экспорт ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш, қурилиш, тўқимачилик ва электротехника саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини икки бараварга, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноати маҳсулотлари ҳажмини 3 бараварга кўпайтириш масалаларини саноатнинг стратегик ривожланишига қўйилган аниқ мақсадлар деб қараш мумкин [9].

Тараққиёт дастурида энг муҳим ва устувор ривожлантириладиган соҳа *адолатли ижтимоий сиёсат юриттиши, инсон капиталини ривожлантириши* соҳаси хисобланади. Бу соҳанинг ривожланиши 34 та стратегик мақсадни ўз ичига олади. Кўйилган стратегик мақсадлар бўйича бу соҳа биринчи ўринда туради.

Мамлакатнинг муҳим ривожланиш кўрсаткичлари хисобланган иқтисодиётнинг барқарорлиги, ҳар хил инқизорларга бардошлилиги (устойчивость) ва иқтисодий

ўсишни белгиловчи базис омил инсон капиталини ривожлантиришнинг таркибий қисмлари бўлган тарбия, маданий ўсиш, таълим ва унинг сифати, соғлиқни сақлаш, фан, ахолининг турмуш даражасига қўйиладиган инвестиция ҳажми ҳисобланади [8].

Иқтисодиётнинг ўсиш ва ривожланишининг бош драйвери бўлиб, инсон капитали ва унинг асосида яратиладиган инновациялар ҳисобланади. Умуман олганда, инсон капитали ривожланиши мактабат стратегик ривожланишининг асосий омили ҳисобланади. Ушбу IV-соҳада стратегик ривожланиш нуқталари аниқ кўрсатиб ўтилган ва улар қўйидагилардан иборат:

- мактабгача таълимдаги қамров даражасини 67 фоиздан 80 фоизга етказиш;
- 6 ёшли болаларни мактабгача тайёрлов тизими билан қамраб олиш даражасини 100 фоизга етказиш;
- 7 мингдан зиёд янги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш;
- нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи ташкилотларнинг улушкини 2026 йилда 8 фоизга ошириш;
- компьютер ва IT соҳасида 100 мингдан ортиқ бепул тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш;
- ўқитувчиларнинг ойлик маошини 1000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш;
- олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш;
- 2026 йилгача нодавлат олий таълим ташкилотлари сонини 50 тага етказиш;
- “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали қобилиятли ёшларни хорижий олийгоҳ-

ларга юбориш кўламини 2 бараварга ошириш, уларнинг 50 фоизини техник, аниқ фанлар ва IT соҳаларига ўқитиш [2].

Мамлакатимизда фаолият юритаётган Президент мактабларини ташкил қилиниши учунчи ренессансга ва Ўзбекистоннинг келажаги учун қўйилган муҳим қадамлардан биридир. Хорижий мутахассислар ҳам Президент мактабига юқори баҳо бермоқда.

Ривожланиш нуқталари мамлакатимизда 2026 йилга келиб, инсон капиталининг ривожланиш даражасини белгилайди ва ундан кейинги йилларда ҳам мамлакатимизнинг ривожланишига мустаҳкам замин яратади. Ривожланиш нуқталари бўйича қўйилган вазифаларни амалга ошириш жуда катта маблағ талаб қилишини ҳам таъкидлаб ўтishimiz kerak.

Ҳар қандай давлатда жамиятни барқарор ривожланишини таъминловчи устувор соҳалар бўлган таълим ва тиббиётга катта эътибор беради. Таълим ижтимоий, иқтисодий ва инновацион ривожланишининг асосий омили бўлса, тиббиёт барча соҳаларда фаолият юритадиган ишчи ва мутахассисларни соғлом бўлишини таъминлайди. Соғлом инсон маҳсулот ишлаб чиқаради, янгилик яратади. Тиббиёт соҳасини ривожлантирилиши 16 та стратегик мақсадни ўз ичига олган.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси дастурида қўйилган кенг миқёсли стратегик мақсадларга эришиш асосли эканлигини мамлакатимизнинг 2021-2022 йилларда эришган ижтимоий-иқтисодий кўрсатичларидан ҳам кўриш мумкин (1-жадвал).

## 1-жадвал

### 2021-2022 йилларда мамлакатимизнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари\*

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2022 йил	2022 йил ўтган йилга нисбатан ўзгариши, % да
Ялпи ички маҳсулот миқдори	млрд. Сўм	888341,7	105,7
Ахоли жон бошига ялпи ички маҳсулот миқдори	минг сўм	24919,7	103,5
Доимий ахолининг ўртacha сони	минг киши	36024,9	102,1
Саноат маҳсулоти	млрд. Сўм	551050,9	105,2
Ахоли жон бошига саноат маҳсулоти ҳажми	минг сўм	15458,1	118,3
Ахоли умумий даромадлари	трлн. Сўм	634,8	122,3

**\*Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил статистик материаллари асосида тайёрланди.

Шу йилларда ЯИМнинг ўсиши 5,7 фоиз, аҳоли жон бошига ўсиши 3,5 фоизни ташкил этган. ЯИМнинг ўсиш суръати доимий аҳолининг ўртача сони ўсиш суръатидан (2,1 фоиз) анча юқори эканлигини кўрамиз. Бу аҳолининг турмуш даражаси ўсанлигини ифодалайди. Худди шундай аҳоли жон бошига саноат маҳсулотининг ўсиш суръати (18,3%) ва аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръати 7,5 фоизга тенглиги ҳам аҳолининг турмуш даражаси яхшиланганлигидан далолат беради [10].

## 5. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизнинг 2021-2022 йиллардаги иқтисодий ўсиш суръатлари тараққиёт стратегияси дастурини амалга ошириш иқтисодий асосга эга эканлигидан далолат беради деб айтиш мумкин.

Тараққиёт стратегияси дастури кенг қамровли, кенг миқёсли ислоҳотларни ўз ичига олгани учун унинг аҳамиятини битта мақолада ёритиш қийин. Шу сабабли дастурнинг айрим жиҳатлари мақолада қаралди, холос.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 2018.-76 б.
2. 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.
3. Смирнова О.О. Основы стратегического планирования Российской Федерации// М.: ИД “Наука“, 2013г. – 302с.
4. Стратегическое планирование устойчивого функционирования экономического комплекса Российской Федерации// Коллективная монография под ред. Академика РАН В.Г. Вондура и др. ИНЭИ РАН М.: 2021г. - 328с.
5. Садыков А.М. Новая стратегия Узбекистана: формирование, приоритеты, реализация/ монография. – Т.: Узбекистан, 2019
6. Албегова И.М., Емцов Р.Г., Холопов А.В. Государственная экономическая политика.-Москва МГУ. Изд. “Дело и сервис”, 1998 -320 стр.
7. Беркинов Б.Б., Каланов Б.З. и др. Национальная экономика.: учебное пособие.-Т.: ТГЭУ, 2010. 583стр.
8. Квант В.Л. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти: Дайжест./ В.Л.Квант. Тошкент: Тасвир, 2018, -160 б.
9. Ўзбекистон стратегияси. Тараккиёт стратегияси маркази. Ижтимоий – таҳлил журнали. 2018 й. 1-2- 3-сонлари. [www.strategy.uz](http://www.strategy.uz).
10. [www. stat.uz](http://www.stat.uz). Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.